



Ислом Нури

«...» (...

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Саъд ибн Аби Ваққос розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намозда ўнг ва чап томонларига салом берар, ҳатто у зотнинг ёноқларининг оқини кўрар эдим.

«...» (...

Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намозда ўнг ва чап томонларига: «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ», «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» деб салом берар эдилар.

«...» (...

Имом Термизий Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Намознинг калити таҳорат, таҳрими такбир айтишлик, таҳлили эса салом беришликдир» (яъни, намоз ичида қилиш ҳаром қилинган ишларнинг



Ислом Нури

бошланиши такбир айтиш биландир, мазкур ишларнинг ҳалол қилиниши эса салом бериш биландир). Ҳоҳ фарз, ҳоҳ бошқа намозда бўлсин, “Фотиҳа” ва яна бир сурани ўқимаган одамнинг намози намоз бўлмайди», дедилар.

«...»

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга намоз ўқидим, ўнг томонларига «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ» деб, чап томонларига эса «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» деб салом бердилар.

Шарҳ:

Намозхон намозини тугатгач, ундан салом бериб чиқади. Салом намозхон учун намозда ҳаром қилинган нарсаларни ҳалол қилиб беради, бу эса ўнг ва чап тамонига ўгирилиб: «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» дейиш билан бўлади.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Намоз рукнларидан бири саломдир.
2. Салом аввал ўнг, кейин чап томонга қараб: «Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ» дейиш билан бўлади.
3. Баъзан ўнг тарафга салом берганда: «ва барокатуҳ» калимасини қўшиш ҳам суннат.